



THE CENTRAL ASIAN VECTOR IN US FOREIGN POLICY

Akhadjon I. Juraev

Master's student

Tashkent State University of Oriental Studies

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: geopolitics, geopolitical trends, Central Asian region, USA, geopolitical priorities, integration, NATO.

Received: 14.05.22

Accepted: 16.05.22

Published: 18.05.22

Abstract: The article highlights the growing importance of the Central Asian region in the international arena, the new phase of the struggle between the interests of the United States and other powerful powers in the region's geopolitics. analyzed.

АҚШ ТАШҚИ СИЁСАТИДА МАРКАЗИЙ ОСИЁ ВЕКТОРИ

Аҳаджон И. Жўраев

Магистратура талабаси

Тошкент давлат шарқшунослик университети

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: геосиёсат, геосиёсий тенденция, Марказий Осиё минтақаси, АҚШ, геосиёсий устувор йўналишлар, интеграция, НАТО.

Аннотация: Мақолада Марказий Осиё минтақасининг халқаро майдонда ўрни тобора муҳим аҳамиятга эга бўлиб бораётганлиги, минтақа геосиёсатида АҚШ ва бошқа қудратли “куч” эгалари манфаатларининг ўзаро кураши янги босқичга чиқаётгани, ўз навбатида, минтақага нисбатан янги ёндашувлар ва қарашлар, шунингдек, Марказий Осиё минтақасидаги геосиёсий манфаатлар долзарб хусусиятлари таҳлил қилинган.

ЦЕНТРАЛЬНОАЗИАТСКИЙ ВЕКТОР ВО ВНЕШНЕЙ ПОЛИТИКЕ США

Ахаджон И. Жураев

Магистрант

Ташкентский государственный университет востоковедения

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: геополитика, геополитические тенденции, центральноазиатский регион, США, геополитические приоритеты, интеграция, НАТО.

Аннотация: В статье освещается возрастающее значение Центрально-азиатского региона на международной арене, анализируется новый этап борьбы между интересами США и других сильных держав в геополитике региона.

КИРИШ

Биламизки, Марказий Осиё минтақаси Россия, Хитой, АҚШ ва Европа Иттифоқи манфаатлари кесишган минтақалардан бири ҳисобланади. Уларнинг ҳар бири минтақада ўз манфаатларига эга. Совет Иттифоқи парчаланиб, минтақада Россиянинг таъсири бир оз чекланганидан сўнг кўшни Хитой Шанхай ҳамкорлик ташкилоти орқали ўз иқтисодий ва сиёсий устунлигини намоён этди. Ўз навбатида, Европа Иттифоқи ва АҚШ ҳам минтақага катта қизиқиш билдириб келмоқда. Бироқ, уларнинг минтақадан узоклиги Марказий Осиёда Россия ва Хитой устунлигини таъминлаб келди.

Таҳлилчиларнинг фикрича, АҚШ ва Россиянинг Марказий Осиёдаги манфаатлари борасидаги бугунги кундаги қарашлар ўзгариб бормоқда. Қўшма Штатлар Россияни демократия, инсон ҳуқуқи ва кадрлар муаммолари бўйича кескин танқид қилиши кучаяди. Американинг Россия билан постсовет маконидаги геосиёсий кураши авж олиб боради ва Қўшма Штатлар Украинани, яна, масалан, Беларусь муҳолифатини, Молдова ва Грузияни Россия билан қарама-қаршилигида тобора фаол қўллаб-қувватлашга ўтади, умуман олганда, постсовет маконидаги ҳам классик, ҳам халқ дипломатиясини фаоллаштиради. Оқибатда Россия-Америка муносабатларининг умумий муҳити янада кескин тус олади. [1]

АСОСИЙ ҚИСМ

АҚШнинг Марказий Осиё минтақасидаги ташқи сиёсий манфаатларини илмий объективлик, тизимли-функционал, қиёсий методлар орқали таҳлил қилар эканми, шу ўринда сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори С.Бўроновнинг: “Замонавий халқаро муносабатлар янги тенденциялар таъсири остида кечмоқда. Мазкур тенденцияларда Марказий Осиё минтақасининг ўрни тобора муҳим аҳамиятга эга бўлиб, халқаро кучлар минтақада шаклланган кучлар мувозанатига таъсир кўрсатиш учун жиддий рақобат олиб бормоқда. Бу эса минтақа геосиёсий архитектурасида АҚШ, Россия ва Хитой сингари йирик кучларнинг ўзаро кураши янги босқичга чиқаётгани, ўз навбатида, минтақага нисбатан янги ёндашувлар ва қарашлар ишлаб чиқиш заруриятини ҳам намоён этмоқда. Шу жиҳатдан юқоридаги халқаро кучлар учлигининг Марказий Осиё минтақасидаги геосиёсий манфаатларини ўрганиш долзарб хусусиятга эга”лиги тўғрисидаги фикрини келтириш ўринли.[2]

Сиёсатшунос Д.Суслов эса “АҚШ Каспий денгизи ва Марказий Осиё минтақасидан Афғонистон орқали ўтадиган Ҳинд океанигача бўлган геосиёсий маконда нефт ва газ қувурлари, темир йўл, транспорт коммуникациялари устидан бошқарувни тўла ўз назоратига олишга интилиб келмоқда” – дея ўз нуқтаи назарини илгари сурган.

Таҳлиллар ва кузатувлар шуни кўрсатмоқдаки, 2001 йилда АҚШ ва НАТОнинг Афғонистонда ҳарбий иштироки вазиятни тубдан ўзгартирди, уларнинг минтақадаги иштироки сезиларли даражада кучайган эди. Бу минтақа АҚШ манфаатлари доирасига киргани ва мамлакат ташқи сиёсатида унинг аҳамияти ортишини англатган. Бирок, АҚШ ва ЕИнинг Россияга унинг Украинага нисбатан агрессив сиёсати ва Қрим аннексияси сабабли санкциялар киритиши, шунингдек, АҚШнинг Хитой билан савдо уруши манзарасида Россия ва Хитой Марказий Осиёга нисбатан фаоллиги ортмоқда.

АҚШ Марказий Осиёнинг барча учун очиқ минтақага айланиши тарафдори эканлиги ва минтақада ҳеч бир давлатнинг мутлоқ устунлиги ўрнатилмаслигини истаётганини кўрсатса, иккинчи томондан, ўз иштироки орқали АҚШ минтақанинг мустақил ташқи сиёсат юритишини ҳамда муқобил ривожланиш йўлларига эга бўлишини хоҳламоқда.

Шу боис АҚШ Марказий Осиё давлат раҳбарларининг норасмий учрашувларини қўллаб-қувватламоқда. Марказий Осиё минтақасида минтақа манфаатларидан келиб чиқиб интеграция модели ва муаммоларини биргаликда ҳал қилиш борасида минтақа экспертларидан иборат форум ҳам ташкил этилганини алоҳида таъкидлаш керак. Ушбу форумнинг биринчи учрашуви 2018 йил октябрида бўлиб ўтди ва унда минтақада интеграцияни амалга ошириш борасида янги концепцияни ишлаб чиқиш муҳокама қилинди.

АҚШнинг Марказий Осиё бўйича стратегияси сўнгги вақтларда Россия томонидан Ўзбекистонга нисбатан ЕОИИга қўшилиши борасидаги босимлари ортидан янграгани бежиз эмас. Негаки, Россиянинг собиқ Иттифоқни қайта тиклаш борасидаги турли геосиёсий лойиҳалари нафақат минтақага, балки АҚШнинг минтақадаги манфаатларига ҳам катта катта таҳдид солади. Чунки, у Евроосиёда беқарор минтақанинг пайдо бўлишини хоҳламайди. Биргина, 2008 йилда Грузия ва 2014 йилда Украинанинг ҳудудий яхлитлиги ва суверенитетига тажовузлар манзарасида Марказий Осиё давлатлари ўз мустақиллиги ва суверенитети ҳақида жиддий ўйлашга мажбур бўлмоқда. Шундай вазиятда, АҚШнинг минтақа борасидаги бундай позицияси минтақа давлатлари учун катта аҳамият касб этади. Мазкур стратегия борасида журналист ва ОАВ вакиллари учун уюштирилган брифингда АҚШ Миллий Хавфсизлик Кенгаши Жанубий ва Марказий Осиё бўйича Бош директори Лиза Куртис: “Биз Марказий Осиёга фақат ўзи учун муҳим геостратегик аҳамиятга эга бўлган минтақа сифатида қараймиз. Бу бизнинг минтақа

атрофидаги давлатлар, хусусан, Афғонистондаги иштирокимизга алоқадор эмас. Энг биринчи навбатда, биз янги стратегияни АҚШнинг Марказий Осиё халқларининг, ҳам алоҳида, ҳам минтақа сифатида мустақиллигини, суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини кучли қўллаб-қувватлашни давомли ва йўналтирувчи сиёсатининг яна бир бор таъкиди сифатида кўрамиз. Биз АҚШнинг иқтисодий, энергетика соҳасида, демократия ва бошқарув муаммоларга жалб этилиши орқали Марказий Осиё халқлари кооператив ҳамкорларнинг минтақавий блоки сифатида фаолият олиб боришига ва ўз миллий манфаатларини амалга ошириш қобилиятларини ривожлантиришларига ишонамиз. Марказий Осиё халқларини шунга ишонтирамикки, улар ўз манфаатларини рўйбга чиқаришда турли ҳамкор ва имкониятларни танлаш эркинлигига эгадирлар”, – дея таъкидлаган [3].

АҚШ минтақада интеграция жараёнларига туртки бериш учун ўзи иштирокидаги турли шакллардаги мулоқотни ўрнатган. Хусусан, АҚШ-Марказий Осиё Савдо ва инвестиция доиравий келишуви Кенгаши, Марказий Осиё Савдо Форуми доирасида ўзаро ҳамкорликнинг ҳолати ва истиқболлари муҳокама этиб келинмоқда. Минтақадаги сўнги ўзгаришлар бундай ҳамкорликка кенг имконият эшикларини очиб берди. АҚШ минтақага Россия иштирокидаги бошқа лойиҳаларга нисбатан интеграциянинг муқобил йўллари тақлиф этмоқда. Шу йўсинда у минтақада Россиянинг ўсиб бораётган таъсирига посанги бўлишни кўзлайди.

Минтақада “Марказий Осиё +” сингари форматлар ривожлантирилмоқда. Масалан, Қўшма Штатлар Марказий Осиё мамлакатлари билан “5+1” форматида ҳамкорлик қилмоқда, шу тариқа у минтақа мамлакатларини бутун, ягона, шу билан бирга, Россия ва Хитойга эмас, айнан Жануб: Афғонистон ва Ҳиндистон сари йўналиш оладиган мустақил геосиёсий минтақа сифатида кўришни истамокда. Йирик Жанубий ва Марказий Осиё макроминтақаси АҚШ Давлат департаменти тузилмасида акс этган бўлиб, унга расман ягона минтақа деб қаралмоқда. Россия нуктаи назарига кўра, бу Қўшма Штатларнинг минтақани Россиядан тортиб олиш ва унинг Россия ва Хитой билан ҳамкорлигини заифлаштиришга оид расман баёнот берилган очикча уринишидир. Россия “5+1” форматида қаттиқ ишончсизлик билан қарайди. Айни чоқда у Марказий Осиё минтақасидаги шерикларини АҚШ билан ҳамкорлик қилмасликка мажбурламоқчи эмас. Чунки Россия ўша мамлакатларга қаттиқ босим ўтказса ҳамда уларнинг ташқи сиёсий мулоқоти ва кўп векторли сиёсатини чекламоқчи бўлса, ўзини ўзи изоляцияга тушириб қўяди, унинг минтақадаги таъсири заифлашади, минтақа мамлакатлари ўзини Россиядан янада четга торта бошлайди, оқибатда ўзи истаган нарсанинг бутунлай тескарисига эга бўлади. Шунинг учун Россия Марказий Осиё мамлакатлари билан “Россия + Марказий

Осиё мамлакатлари” форматида мулоқотни мустаҳкамлашга интилмоқда. Россияга ўз ташқи сиёсатининг қандайдир муҳим масалалари бўйича бирдамлик зарур.

ХУЛОСА

Хулоса сифатида қайд этиш мумкинки, АҚШ ўз стратегияси билан Марказий Осиёда ўз фаоллигини кучайтириш билан бирга минтақанинг халқаро муносабатларда мустақил субъект сифатида фаолият юритишини истагини кўрсатмоқда.

Иккинчидан, стратегияда минтақа барча учун очик бўлишини ва бирор бир кучнинг устун бўлмаслигини алоҳида таъкидланади. Бунга эришиш маълум даражада минтақа давлатларининг мазкур давлатлар билан алоқаларида ўзларини қандай тутишига боғлиқ эканлиги очик ойдин кўриниб турибди.

Учинчидан, АҚШнинг минтақага киритган инвестицияси ҳажми 91 миллиард АҚШ доллари ташкил этган бўлса, Россия собиқ Иттифоқ парчаланганидан бери минтақага 20 миллиард АҚШ долларида сармоя киритган. Марказий Осиёда инвестициявий фаолиятда 300 млрд АҚШ доллари киритган Хитойнинг яққол устунлигига мувозанат сифатида Россиядан кўра яқин келажакда минтақада АҚШ инвестициявий фаоллик кўрсатиши тахмин қилинади.

Тўртинчидан, гарчи баъзи экспертларнинг АҚШнинг Марказий Осиё бўйича стратегияси борасида турли хил фикрлар билдиришган бўлсада, бироқ шу нарса аён бўлдики, АҚШ бугун минтақани алоҳида диққатга сазовор минтақа сифатида тан олмоқда ва муносабатларини янгича тамойилларга қуриш истагини намоён этмоқда.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. С.Бўронов. “Афғонистонда тинчлик ва барқарорлик ўрнатиш жараёнларида Ўзбекистон геосиёсати”. Тошкент “EFFECT-D”-2021
2. С.Бўронов. “Ўзбекистон геосиёсати”. Ўқув қўлланма. Тошкент-2021
3. Дмитрий Суслов – Россиянинг халқаро сиёсат бўйича эксперти, СААН сайтига берган интервьюси
4. www.aa.com.tr/ru/мир/в-сша-представили-новую-стратегию-по-центральной-азии/1731471
5. How the US Can Give Uzbekistan Options – The Diplomat
6. Проблем между Москвой и Астаной прибавилось / СНГ / Независимая газета (ng.ru)